


Тазкия дарслари (125-дарс). Қалб ғийбати ва давоси



14:00 / 27.02.2021 3605

Аввало ғийбатчи қиладиган ғийбати туфайли Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишини билиб қўйиши керак.

Шунингдек, унинг савоблари ғийбат қилинган одамга олиб берилишини, агар савоби бўлмаса, нариги одамнинг гуноҳлари унга олиб берилишини ҳам билиб қўйсин.

Ғийбат пайти бўлиб қолса, ўзининг айбларини ўйласин ва уларни тузатишга киришсин. Ўзининг айблари бўла туриб, бошқаларни айбладан уялсин. Агар ўзини айблардан холи билса, ўшанга шукр қилиш ила машғул бўлсин. Ўзини ўзи энг ёмон айб – ғийбатчилик ила ифлосламасин. Ўзини биров ғийбат қилишини истамаганидек, ўзи ҳам ўзгаларни ғийбат қилишни истамасин.

Ғийбатга боис бўлган сабабга назар солсин ва ўша сабабни йўқ қилишга ҳаракат қилсин. Дарднинг давоси уни келтириб чиқарган сабабни йўқ қилиш ила бўлади.

Қалб ғийбати

Гоҳида ғийбат қалб билан ҳам содир этилади. Бу мусулмонлар ҳақида ёмон гумон қилиш ила бўлади.

لَا أَقْمَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ لَنَا نَعْمُ نَعْمُ لَعَلَّ يَضْرَبَ رِيَّ بَأْنِ
يُرَاحُّ لَهَا أَوْ «...ثِيَابُهَا نَطْلَانِ إِفْ نَطْلَانِ أَوْ مُكَايَا»

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар. Чунки бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ لَنَا نَعْمُ نَعْمُ لَعَلَّ يَضْرَبَ رِيَّ بَأْنِ
يُرَاحُّ لَهَا أَوْ «...ثِيَابُهَا نَطْلَانِ إِفْ نَطْلَانِ أَوْ مُكَايَا».

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан», дедилар».

«Руҳий тарбия» китобидан